

Бор эканда йўк экан, бир дангаса бор экан, ҳеч ишга тоби йўк экан. У хатто шу даража дангаса эканки, кунга чикиб ўтиришни ҳам хушламас экан.

Унинг биргина хотинидан бошка ҳеч кими йўк экан. Баҳор келиб, ўтлар кўкариб, ёзнинг иссик кунлари келмасдан бойлар ўз моллари билан яйловга кўчиб кетар эканлар. Ҳеч қандай моли бўлмаса ҳам дангаса хотини билан уларга эргашиб кўчиб кета берар экан. Бир қанча вақт ўтгач, дангасанинг хотини ҳар кимнинг ишини қилиб, бир оз пул топибди. Кунлардан бир кун дангасанинг хотини топган пулини бериб, айтибди:

— Биз ҳам мол қилиб, яйловга кўчиб борайлик, бозордан бир мол сотиб олинг.

Дангаса бозорга тушиб қатта хайвонлардан сотиб олишга пули озлик қилибди, юриб-юриб охири бир кўтир улоқни сотиб олибди.

Яна бир ҳафта ўтгандан кейин дангасанинг хотини унинг кўлига: «мол олинг», деб яна бир оз пул берибди.

Дангаса бозорга бориб бир кўтир кўзи сотиб олибди.

Яна бир ҳафта ўтгандан кейин дангасанинг хотини унинг кўлига яна пул бериб:

— Бозордан бир мол сотиб олинг, — дебди. Дангаса бозорга бориб, бир кўтир бузок сотиб олибди.

Шу орада баҳор қирибди. Бойлар мол-холлари билан яйловга кўча бошлабдилар.

Дангаса олиб келган молларига қарамай, хотини билан бойларга кўшилиб кўчиб кета берибди. Хотини ҳам «молимиз бойларнинг моллари ичида юргандир», деб хотиржам бўлиб кета берибди. Дангасанинг киши билан яшаган жойида ҳам ўтлар чиқиб, орадан кўп вақт ўтмай унинг қаровсиз қолган моллари семириб кетибди. Энди бузок бука, улоқ серка, кўзи кўчқор бўлибди. Учаласи кунда бирга ўтлаб келиб уйда ёта берибди.

Кунлардан бир куни уйга бўри қириб қолибди.

Уларни кўриб ўзига уч кунлик оқват деб мўлжаллаб хурсанд бўлиб, ашула айтибди:

Дингирдик-дингирдик

Бузокча ҳам бир кунлик

Дингирдик-дингирдик

Улоқча ҳам бир кунлик.

Дингирдик-дингирдик

Кўзичок ҳам бир кунлик.

Шунда ақлли бузок ўйлаб туриб, бўрига бир сиёсат қилиб кўрмоқчи бўлибди: Бузок туриб:

— Эчки, сен эшиқни тўс, кўй, сен тешиқни тўс, — деб буйруқ берибди.

Бузок тилини чиқариб бўқира бергандан кейин, бўри кўрқиб кетибди, нима қилишини билмай, уйдан югуриб чиқиб қочиб кетибди.

Бўри шошилиб қочиб кетаётганида саккизта бўри бир ерда тўпланиб турган экан.

Улардан бири:

— Эй, оғайни, нимага қочиб кетаётибсан? — деб сўрабди.

Бўри:

— Мана бу ерда бузук-бука, серка-така, кўзи-кўчкор учови мени ўртага олиб колган эдилар, аранг уларнинг олдидан кочиб кетаётиман, чакконлик ва абжирлик килиб кочиб колдим, бўлмаса, ўлар эдим, — дебди.

Бўрилар айтибди:

— Шошма, бизни уларнинг олдига бошлаб бор, уларни бир ейлик.

Дангасанинг моллари ҳам бўриларнинг тўдаланиб келишини билиб, ўзларини панага олибдилар. Ховлида бир туп ўрик бор экан. У ўрикнинг айрисига эчки билан кўзи бузукни бир амаллаб кўтариб чиказиб кўйибдилар. Унинг кеткдан шу ўрикка кўзи кейин эчки чикиб яширинибди.

Бирдан ховлига тўккиз бўри кириб келибди. Бўрилар уйни, молхонани караб, кидириб-кидириб бузук, эчки, кўшни тополмай, бошлаб келган бўрини «бизни алдадинг», деб койибдилар. Кочиб борган бўри:

— Худди мана шу ерда кўрган эдим, — деб уларни ишонтирибди.

Тўккиз бўри ўрик остига тўпланиб фол очибдилар. Шу пайт ўрик устидаги бузук шохга ўрнашиб туролмай секин-секин ога бошлабди.

Шунда бузук аста-секин:

— Эй, огиб кетяпман, огиб кетяпман, — дебди. Эчки:

— Тилингни тишла, тилингни тишла! — дебди. Ахири бузук ўрнашиб туролмай гумбиллаб фол очаётган бўрилар устига аганаб тушибди. Эчки бўлса, ўрик устидан туриб:

— Фол очганини ушла, фол очганини ушла! —деб бакирибди.

Тўккиз бўри кўркиб, тўккиз ёкка кочибди. Бўрилар кочиб, бориб-бориб бир ерга тўпланибдилар. Эсон-омон кутулганлари учун шодланиб бир-бирига:

— Фолчисини ушла, деб бакиради, улар бизнинг фолчимизни ушлаб олгандан сўнг авлод-аждодимизни кўймай куритар эди. Яхшики вақтида кочиб колдик, энди бошкаларга ҳам айтайлик, бу ерларга ҳеч келмасинлар, — дейишиб жўнаб колишибди.

Дангасанинг моллари бўрилардан сог-саломат кутулиб, семириб, хурсанд бўлиб юрибдилар.

Кунлардан бир куни дангасанинг хотини:

— Эй, бизнинг молларимиз бор эди, улар қаёқда колди? — деб сўрабди.

Кейин эр-хотин молларини кидириб йўлга тушибдилар. Дангасага ҳам гайрат кирибди.

Улар ўз ховлиларига келиб кўрсалар, моллари ўтлаб юрган экан. Шу билан эр-хотин ҳам молга эга бўлиб мурод-максадига етган экан.